

## **2004-1**

### **1. Апелляция инстанцияси суди томонидан амнистия акти нотўғри қўлланилганлиги ҳамда маҳкумнинг ҳимоя ҳуқуқи бузилганлиги сабабли суд ажрими бекор қилинди**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2003 йил 24 октябрдаги ҳукмига асосан Т. ва Р. ЎзР ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан айбдор деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинганлар.

Шу вилоят суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 2 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган. Т. ва Р. га нисбатан 2003 йил 1 декабрдаги амнистия акти 6-моддасининг «а» банди тадбиқ этилиб, жазо муддатининг ўталмаган қисми тўртдан бирига қисқартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Т. ва Р. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлар.

2003 йил 30 апрель куни Т. ва Р. ўзаро жиноий тил бириктиришиб, 4 бўлак қоғоз ўрамида бўлган вазни 3,8 грамм «гашиш» гиёҳвандлик воситасини «Бахтишод» исмли шахсга 5000 сўмга сотишган.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари назорат тартибида киритган протестда апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан апелляция тартибида кўриш учун юбориш масаласи қўйилган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2004 йил 23 мартда қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони 7-моддаси «а» бандида, ушбу Фармон муқаддам амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна

қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан тадбиқ этилмаслиги назарда тутилган.

Жиноят иши материалларига қараганда, Т. 2000 йил 19 майда Иштихон туман судининг ҳукмига мувофиқ ЎзР ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан 1 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига судланган. Жазони ўташ даврида Иштихон туман ички ишлар бўлими бошлиғининг 2000 йил 29 сентябрдаги қарорига асосан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 августдаги амнистия актининг 2-моддаси тадбиқ қилиниб, Т. жазони ўташдан озод қилинган.

Бироқ суд бунга эътибор бермасдан, Т.га нисбатан 2003 йил 1 декабрдаги амнистия актини қўллаб, жазо муддатини қисқартириш тўғрисида нотўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497<sup>11</sup>-моддасига биноан апелляция инстанциясида иш юритиш биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича ўтказилади.

Апелляция инстанцияси суди ушбу қонун талабига риоя қилмаган.

Суд маҳкумларга уларнинг ЎзР ЖПК 46-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқларини тушунтирмаган.

Бундан ташқари, ЎзР ЖПК 497<sup>12</sup>-моддаси талабига зид равишда апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этган судланувчилар Т. ва Р.ларга охириги сўз бермаган.

***03-93-04 сонли ажрим***